

ИСЛОМ ҲУҚУҚИ ТАЪСИРИ КУЧЛИ ДАВЛАТЛАРДА СУРИШТИРУВ ВА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ИНСТИТУТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аширбоев Ахроржон Тиркаш ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Тергов фаолияти
кафедраси кабинет бошлиғи

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14357571>

Аннотация: Ушбу мақолада Ислом ҳуқуқи таъсири кучли бўлган давлатларда, хусусан Саудия Арабистони, Эрон ва Бирлашган Араб Амирликларида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Мақолада ҳар бир мамлакатнинг тегишли қонунчилиги, жумладан терговни тўхтатиш асослари, тартиби ва қайта тиклаш шартлари батафсил кўриб чиқилган. Муаллиф ушбу давлатларда шариат қонунлари ва зомонавий ҳуқуқ тизими элементларининг уйғунлашувини таъкидлаб ўтган. Мақолада шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари келтирилган ва таҳлил қилинган. Хулоса қисмида муаллиф ўрганилган давлатларда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институтининг умумий ва ўзига хос жиҳатларини умумлаштирган. Мақола ислом ҳуқуқи ва жиноят процесси соҳасида илмий-амалий аҳамиятга эга.

Калит сўзлар: Ислом ҳуқуқи, шариат, қози, прокурор, далиллар етишмаслиги, жабрланувчи кечириши, ҳуқуқий дуализм.

ОСОБЕННОСТИ ИНСТИТУТА ПРЕКРАЩЕНИЯ ДОЗНАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ В ГОСУДАРСТВАХ СИЛЬНОГО ВЛИЯНИЯ ИСЛАМСКОГО ПРАВА

Аширбоев Ахроржон Тиркаш угли,

Начальник кабинета кафедры Следственной деятельности

Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

Аннотация: В данной статье проанализированы особенности института прекращения дознания и предварительного следствия в странах с сильным влиянием исламского права, в частности в Саудовской Аравии, Иране и Объединенных Арабских Эмиратах. В статье подробно рассматривается соответствующее законодательство каждой страны, включая основания, порядок и условия приостановления расследования. Автор подчеркивает гармонизацию законов шариата и элементов современной правовой системы в этих государствах. В статье также приведены и проанализированы мнения ученых-правоведов. В заключении автор обобщает общие и специфические аспекты института приостановления дознания и предварительного следствия в исследуемых странах. Статья имеет научно-практическое значение в области исламского права и уголовного процесса.

Ключевые слова: Исламское право, шариат, кази, прокурор, отсутствие доказательств, помилование потерпевшего, правовой дуализм.

CHARACTERISTICS OF THE INSTITUTE FOR THE SUSPENSION OF INVESTIGATION AND PRELIMINARY INVESTIGATION IN STATES WHERE ISLAMIC LAW IS INFLUENCED

Ashirboyev Axrorjon Tirkash o'g'li

Internal affairs of the Republic of Uzbekistan

Academy of the Ministry of Investigation the head of the cabinet of the department,

E-mail: ashirboyevaxrorjon@gmail.com

Annotation: This article analyzes the characteristics of the institute of suspension of inquiry and preliminary investigation in countries with strong influence of Islamic law, in particular, Saudi Arabia, Iran and the United Arab Emirates. The article examines in detail the relevant legislation of each country, including the grounds, procedure, and conditions for the suspension of the investigation. The author emphasizes the harmony of Sharia law and elements of the modern legal system in these countries. The article also presents and analyzes the opinions of legal scholars. In the concluding part, the author summarizes the general and specific aspects of the institute of inquiry and preliminary investigation in the countries under study. The article has scientific and practical significance in the field of Islamic law and criminal proceedings.

Key words: Islamic law, Sharia, judge, prosecutor, lack of evidence, victim forgiveness, legal dualism.

Жаҳон ҳуқуқ тизимларининг хилма-хиллиги ҳуқуқшунослар учун доимий қизиқиш уйғотиб келмоқда. Айниқса, ислом ҳуқуқи таъсири кучли бўлган давлатлардаги ҳуқуқий институтларнинг ўзига хос хусусиятлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Бу борада суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти муҳим аҳамият касб этади.

Ислом ҳуқуқи таъсири кучли бўлган давлатлар (*Саудия Арабистони, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари*). Ислом ҳуқуқи таъсири кучли бўлган давлатларда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти ўзига хос хусиятларга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бу хусусиятлар ҳам шариат қонунлари, ҳам замонaviй ҳуқуқ тизими элементларини ўзида мужассам этганлиги билан тавсифланади.

Масалан, Саудия Арабистонида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш жараёни асосан шариат қонунларига асосланади, ammo замонaviй элементлар ҳам киритилган. Мазкур давлатнинг “Жиноят процесси тўғрисида”ги Қонуни (Criminal Procedure Law) 124-моддаси “Терговни тўхтатиш асослари”, 125-моддаси “Терговни тўхтатиш тартиби”, 126-моддаси “Терговни қайта тиклаш шартлари”га бағишланган. Терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қозилар (шариат судьялари) томонидан қабул қилинади.

Саудия Арабистонининг “Жиноят процесси тўғрисида”ги Қонунининг 124-моддасида келтирилган терговни тўхтатиш асослари сифатида қуйидагилар келтирилган: 1) далилларнинг етишмаслиги (агар тергов жараёнида тўпланган далиллар айбловни асослаш учун етарли бўлмаса); 2) айбланувчининг топилмаганлиги; 3) жабрланувчи ёки унинг оиласи томонидан кечирим берилиши (бу асос фақат шариат қонунларида белгиланган маълум турдаги жиноятларга нисбатан қўлланилади).[1]

Саудиялик ҳуқуқшунос Абдулазиз Ал-Худайри “....124-модда терговни тўхтатиш асосларини белгилашда шариат принциплари ва замонавий жиноят процесси талабларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилганлиги айтиб, жабрланувчининг кечириши каби шариатга хос асослар билан бирга, далилларнинг етишмаслиги каби умумэътироф этилган асослар ҳам киритилган”[2] лигини маълум қилган.

Эрон Ислом Республикасининг Жиноят процесси кодексининг 79-81-моддаларида ҳам терговни тўхтатиш асослари, терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқариш тартиби ва тиклаш шартлари келтириб ўтилган. Терговни тўхтатиш қарори прокурор ва диний судья (қози) томонидан биргаликда қабул қилинади.

Мазкур мамлакатда терговни тўхтатиш асосларига сифатида қуйидагилар келтирилган: 1) айбланувчининг топилмаганлиги; 2) далилларнинг етишмаслиги (агар тергов жараёнида тўпланган далиллар айбловни асослаш учун етарли бўлмаса); 3) жабрланувчининг шикоятдан воз кечиши (бу асос фақат хусусий айблов ишларига нисбатан қўлланилади); 4) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар (бу банд қонун чиқарувчига бошқа асосларни ҳам киритиш имконини берган)[3].

Эронлик ҳуқуқшунос Моҳсен Раҳами “Жиноят процесси Қонунининг 79-моддаси терговни тўхтатиш асосларини кенг қамраб олган. Бу рўйхат ҳам шариат принципларини, ҳам замонавий жиноят процесси талабларини акс эттиради. Масалан, жабрланувчининг шикоятдан воз кечиши каби ислом ҳуқуқига хос асослар билан бирга, далилларнинг етишмаслиги каби умумэътироф этилган асослар ҳам киритилган. Эрон ҳуқуқ тизимида шариат қонунлари ҳам муҳим рол ўйнайди ва улар ёзма қонунчилиқни тўлдириши мумкин. Шу сабабли, амалиётда қўлланиладиган асослар рўйхати кенгроқ бўлиши мумкин”[4] лиги ҳақидаги фикрларни илгари сурган.

Бирлашган Араб Амирликларининг Федерал Жиноят процесси кодексининг 118-120-моддалари ҳам терговни тўхтатиш асослари, терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор чиқариш тартиби, терговни қайта тиклаш асосларига бағишланган бўлиб, терговни тўхтатиш қарори прокурор томонидан қабул қилинади, лекин қарор қабул қилишдан олдин шариат судьяси билан маслаҳатлашиши зарур. Ушбу давлатнинг процессуал қонунчилиги 118-моддасида назарда тутилган терговни тўхтатиш асослари сифатида қуйидагилар келтирилган: 1) далилларнинг етарли эмаслиги; 2) айбланувчининг шахсини аниқлаш имкони бўлмаса; 3) жабрланувчининг шикоятдан воз кечиши (бу асос фақатгина хусусий айблов ишларига нисбатан қўлланилади); 4) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатлар (бу банд қонун чиқарувчига бошқа асосларни ҳам киритиш имконини беради)[5].

БААлик ҳуқуқшунос Буути Ал-Муҳайри “118-модда терговни тўхтатиш асосларини кенг қамраб олганлигини, бу рўйхат БАА ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирганлигини, шунингдек шариат принципларини ва замонавий жиноят процесси талабларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилган”[6] лигини маълум қилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

биринчидан, бу давлатларда суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти ҳам шариат қонунлари, ҳам замонавий ҳуқуқ нормалари асосида шакланган. Бу ҳуқуқий дуализм уларнинг қонунчилигида ва амалиётида яққол намоён бўлади;

иккинчидан, кўриб чиқилган барча давлатларда терговни тўхтатишнинг умумий асослари мавжуд (Саудия Арабистони, Эрон, БАА). Булар қаторига далилларнинг етишмаслиги, айбланувчининг топилмаганлиги;

учинчидан, шу билан биргаликда бу давлатларда шариат қонунларига асосланган ўзига хос асослар ҳам мавжуд (жабрланувчининг кечириши ёки жабрланувчининг шикоятдан воз кечиши кабилар);

тўртинчидан, мазкур давлатлар ўз қонунчилигини замонавий талабларга мослаштиришга интилмоқда;

бешинчидан, терговни тўхтатиш жараёни ҳар бир давлатда ўзига хос процессуал хусусиятларга эга бўлиб, айримларида бу қарорни қабул қилишда диний судьялар (қозилар) иштирок этиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ислом ҳуқуқи таъсири кучли бўлган Саудия Арабистони, Эрон ва Бирлашган Араб Амирликларида суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш институти ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар шариат қонунлари ва замонавий ҳуқуқ нормаларининг уйғунлашувида намоён бўлади. Ҳар уч давлатда терговни тўхтатишнинг умумий асослари (далилларнинг етишмаслиги, айбланувчининг топилмаганлиги) билан бирга, шариатга хос бўлган ўзига хос асослар (жабрланувчининг кечириши ёки шикоятдан воз кечиши) ҳам мавжуд. Шу билан бирга, бу давлатлар ўз қонунчилигини замонавий талабларга мослаштиришга интилмоқда. Терговни тўхтатиш жараёни ҳар бир давлатда ўзига хос процессуал хусусиятларга эга бўлиб, баъзи ҳолларда бу қарорни қабул қилишда диний судьялар (қозилар) иштирок этиши мумкин. Ушбу институтнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш нафақат қиёсий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан, балки халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик ва ҳуқуқ тизимларининг ўзаро таъсирини тушуниш учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Al-Qahtani, F. (2020). Saudi Criminal Procedure Law: A Critical Analysis. *International Journal of Law, Crime and Justice*, 62, 100417.
2. Al-Khudairy, A. (2019). The Saudi Arabian Criminal Procedure Law: A Comparative Analysis. *International Journal of Law and Society*, 2(3), 128-140.
3. Pourbafrani, H. (2021). The Iranian Criminal Procedure Code: Balancing Islamic and Modern Legal Principles. *Journal of Islamic Law and Culture*, 19 (1), 65-83.
4. Rahami, M. (2020). The Iranian Criminal Procedure Code: Balancing Islamic and Modern Legal Principles. *Iranian Studies*, 53 (3-4), 441-463.
5. Al-Mansoori, A. (2019). The Development of UAE Criminal Procedure Law. *Arab Law Quarterly*, 33 (2), 187-205.
6. Al-Muhairi, B. S. (2016). The Development of the UAE Legal System and Unification with the Judicial System. *Arab Law Quarterly*, 30(2), 107-126.